Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 118 (4813).
26 МАЙ 1982 й.
ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг унга йўллаган табриги ва ўртоқ Янош Кадарни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

△ 1982 йил 25 май куни Москва вақти билан соат 11 дан 57 минут ўтганда «Прогресс-13» автомат юк кемаси одам бошқарадиган орбитал «Салют-7» — «Союз Т-5» комплекси билан туташтирилди. Космонавтлар А. Березовой ва В. Лебедевнинг кайфияти яхши.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН VII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Тошкентдаги VII халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклайман ҳамда Совет Ўзбекистони пойтахтидаги учрашувингиз тўла муваффақиятга эришувини тилайман.

Санъатга хизмат қилиш — инсонга хизмат қилиш демакдир. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кинематографчилари ер юзининг барча томонларидаги кишиларни тўлқинлантираётган ҳаётий проблемаларга дарҳол ҳозиржавоб бўлаётганликлари фақат қувонтиради.

Ҳар бир мамлакатнинг ўз юмушлари бор албатта, булар ҳақида эса кино усталари гапирмоқдалар. Лекин миллий тафовутлар ва хусусиятлар ҳамжиҳатликка ҳалақит бермайди. Биз буни ўзимизнинг катта байрамимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда тўла ҳуқуқ билан айтамиз. Тинчлик, озодлик ва социал тараққиётнинг улуғ идеаллари барча халқларнинг муддаоларига мос бўлиб тушади. Бу идеаллар хавфсизлик ва бахтиёр келажак йўлида инсониятнинг бирлашуви учун ажойиб негиз бўлади.

Кино усталари тинчлик учун, термоядро уруши хавфига қарши активроқ курашаберсинлар, муътабар кино кўригингизнинг овози, ақл-идрок, виждон ва эзгулик овози баралла янграйберсин.

Сизларга янги-янги ижодий муваффақиятлар ва зафарлар тилайман!

Л. БРЕЖНЕВ.

Тошкент, 1982 йил 25 май. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали. Тошкент-82

АҚЛ-ИДРОК, ОР-НОМУС ВА ЭЗГУЛИК ОВОЗИ

ТОШКЕНТДА ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Меҳмондўст Совет Ўзбекистони диёрида яна катта байрам—энг оммавий санъат — кино байрами, халқлар тинчлиги ва дўстлиги байрами бошланди. Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографиячиларини яна табрикламоқда. Уларни бир-бирларидан, Тошкентдан минглаб, ўн минглаб километр масофа ажратиб турсада, лекин Тошкент учрашувининг олижаноб шиори уларни яна дўстлик ва қардошлик шаҳрида учрашишга, ижодий режаларни баҳам кўришга, кинематография проблемаларини биргаликда муҳокама қилишга даъват этди.

Еттинчи Тошкент кинофестивали мазкур анжуманнинг обрў-эътибори муттасил ортиб бораётганлигидан далолат беради. Анжуман қатнашчиларининг сони, унинг меҳмонлари сони ортиб бормоқда. Фильмлар сони кўпаймоқда. Бу йилги Тошкент учрашувида салкам 100 мамлакатдан, бир қанча халқаро ва миллий ташкилотлардан вакиллар келишган. Ўзбекистон пойтахти ўз истеъдоди ва ғайратини кинода инсонпарварлик идеалларини қарор топтиришга бағишлаётган, планетада тинчлик учун, халқлар дўстлиги ва озодлиги учун курашаётган кишиларни самимий табрикламоқда.

В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи фестиваль либосида. 25 май куни бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографиячилари, бошқа қитъалардан келган меҳмонлар, шаҳар жамоатчилиги намояндалари кино санъати байрамининг тантанали очилиш маросимига йиғилдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги VII халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари номига табрикнома йўллаганлиги тўғрисидаги хабарни йиғилиш аҳли гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов давомли қарсаклар остида ўқиб эшиттирди.

Леонид Ильич Брежневнинг эзгу, самимий истаклари кинофестиваль ишига ажойиб омил бахш этади, Тошкентдаги анъанавий учрашувнинг мазмунини белгилаб беради.

— Биз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев табрикномасининг илҳомбахш сўзларини астойдил тўлқинланиб тингладик, — дейди VII халқаро кинофестивалга тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева.

Ҳали яқиндагина Леонид Ильич Брежнев мамлакатимиз касаба союзларининг XVII съездида ва шу залда, Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин орденини топшириш чоғида ҳам, ВЛКСМ XIX съездида сўзлаган нутқида ҳам давлатимизнинг тинчликсевар сиёсатини аниқ ва равшан баён этиб берди, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббусларни олға сурди.

Халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик учун курашда санъатнинг ва жумладан киноннинг роли ғоят каттадир. Барҳаёт Ленин кинони санъатнинг энг муҳим тури деб атаган эди.

VII фестивалга тақдим этилган картиналар шундан далолат берадики, бугунги кунда Осиё, Африка, Лотин Америкасининг илғор кинематографи: Урушга, эксплуатацияга, ирқчиликка йўл йўқ! — деб айтмоқда. Бугунги кунда уч қитъанинг илғор кинематографи оммани маърифатли қилмоқда, уларни жипслаштириб, озодлик, тенглик ва тараққиёт учун кураш йўлини кўрсатиб бермоқда.

Бу галги кино анжумани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда. Коммунистик партиямиз 100 дан кўпроқ миллат ва элатларни ягона қардошлик оиласига жипслаштирди, бу оилада ҳар бир халқ ва ҳар бир инсон ўзини мамлакатнинг чинакам хўжайини деб билади. Республикамизда бўлган вақтингизда сизларга Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари билан учрашиш, шаҳар ва қишлоқлар билан танишиш ҳамда яқин ўтмишдагина феодализм ва мустамлакачилик бўйинтуруғидан халос бўлган халқлар экономика ва маданият соҳасида қандай чўққиларга эришганлигини республикамиз мисолида ўз кўзингиз билан кўриб, қаноат ҳосил қилиш, ленинча миллий сиёсатнинг буюк муваффақиятларига ишонч ҳосил қилиш имконияти берилди.

СССР кинематография Давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш сўзга чиқади.

Сизларнинг номингиздан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневга унинг табрикномаси учун, Тошкент фестивалига доимо эътибор бериб келаётганлиги учун қизғин ва самимий ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсизлар, деди у.

Ҳозирги замоннинг атоқли сиёсий арбоби йўллаган табрикнома бизнинг мамлакатимизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг тараққийпарвар кино санъати нақадар юксак ҳурматга сазовор эканини ифодалайди. Бу қитъаларда бутун дунёдаги кино маҳсулотининг учдан икки қисмидан кўпроғи яратилмоқда, уларнинг жуда кўп томошабинлари бор, улар учун кино ўз миллий орзу-умидлари, мустақиллик, озодлик ва тинчликни мустаҳкамлаш муддаолари ифодачисидир.

Биз Тошкент фестивали Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографиячиларига ўз ютуқларини кўрсатиш, тажрибани баҳам кўриш, санъатнинг ривожланиш йўллари ҳамда унинг халқлар маънавий турмушидаги ўрни тўғрисида гаплашиш имкониятини беришини бу фестивалнинг бош вазифаси деб биламиз. Совет Ўзбекистони диёрида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган тенг ҳуқуқли санъаткорлар учрашадилар. Тошкент фестивали ўзининг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиорини азиз билувчи ҳар бир санъаткор учун очиқдир.

Бу галги фестиваль бизнинг мамлакатимиз учун шонли йилда — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтмиш йиллиги нишонланадиган йилда ўтмоқда. Шу йиллар мобайнида ягона кўп миллатли давлат доирасида, қардошларча дўстлик асосида мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг маданияти, шу жумладан кино санъати ҳам гуллаб яшнади. Ҳозир совет кинематографияси ўн бешта Совет Республикасининг стук ва ўзига хос кинематографиялари бир ёқадан бош чиқариб, ягона ижтимоий мақсадларни кўзлаб иш кўраётганлиги билан фахрланишга ҳақлидир.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкентда бўлган вақтларида Ўзбекистоннинг ва мамлакатимиздаги бошқа республикаларнинг турмуши ҳақида, совет кишиларининг янги жамият қурилишидаги муваффақиятлари тўғрисида кўп нарсаларни кўриб, билиб оладилар, деб умид қиламиз.

Биз шунга ҳам аминмизки, Тошкент фестивали кино санъатини янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади, кинематографиячиларнинг ижодий алоқаларини мустаҳкамлайди ҳамда уч улуғ қитъа тараққийпарвар киносининг обрў-эътибори ўсишига хизмат қилади.

Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш министри В. П. Сатхе фестиваль аҳлига мурожаат қилади. Тошкент кино анжумани, деди у, мустаҳкам обрў-эътибор қозонди ва энг ваколатли халқаро кинофестивалларнинг бири бўлиб қолди. Ҳиндистон кинематографиячилари Тошкентдаги етти кино байрамининг ҳаммасида қатнашиб келаётганликлари билан фахрланадилар. Л. И. Брежневнинг фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномаси жуда чуқур, унутилмас таассурот қолдирди. Кинематографиячиларнинг Тошкентдаги бу галги учрашуви тинчлик иши учун, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун курашга ғоят хайрли таъсир ўтказишига аминман.

СССР Кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Л. А. Кулиджанов совет кино санъати арбоблари номидан фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига мурожаат қилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида, деб таъкидлади у, кинематографиячилар Тошкентдаги ҳозирги учрашувининг моҳияти, ҳозир дунёдаги бутун тараққийпарвар кинематография нималарга интилиши кераклиги ифодалаб берилган. Совет экран усталари чет эллик ҳамкасбларига ва дўстларига планетада озодлик ва социал тараққиёт учун, тинчлик учун курашга чақирадиган фильмлар яратишда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Африка қитъасининг кинематографиячилари номидан марокашлик режиссёр Сухайл бин Барка ажойиб Тошкент фестиваллари ташкилотчиларига ҳозирги учрашувда қатнашиб, ҳамкасблар билан ижодий тажрибани баҳам кўриш имкониятини берганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Биз ўз ленталаримизда Африка халқларининг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашини акс эттиришга интилаяпмиз.

Лотин Америкаси кинематографиясининг вакили — колумбиялик режиссёр Паскуал Герреро сўз олади. Кеча биз ўзбек дўстларимизнинг «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг» деган лентасини зўр мамнуният билан томоша қилдик, деди у. Совет кишиларининг уруш йилларидаги жасорати бизга жуда таъсир қилди. Халқнинг руҳий саховатини тасвирловчи ёрқин ҳисса бизни ҳаяжонга солди. Колумбиялик кинематографиячи Л. И. Брежневнинг табрикномасига офарин айтди ва бу ҳужжат Совет давлатининг тараққийпарвар кино санъатини ривожлантириш тўғрисидаги, ер юзида тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлигини ифодалаб турганлигини таъкидлади.

— Тошкент фестивалининг шиори биз, ёш авлодга яқин ва азиздир, — дейди Тошкент политехника институтининг студенти Г. Шермуҳамедова. — Ота ва боболаримиз Улуғ Ватан уруши даврида биз учун тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолдилар. Бизнинг вазифамиз тинчликни келгуси авлодлар учун сақлаб қолишдан иборатдир. Тошкент олий ўқув юртларида ўнлаб чет мамлакатлардан келган йигит ва қизлар биз билан бирга ўқимоқдалар. Мен ўзимнинг барча дўстларим номидан Тошкент кинофестивалига ўзининг олижаноб вазифасини ҳал этишда — ўз санъати билан тинчлик ва тараққиёт ишига хизмат қилишда катта муваффақиятлар тилайман.

VII Тошкент фестивалининг зангори байроғига «Тинчлик, социал тараққиёт, халқлар озодлиги» сўзлари ёзиб қўйилган. Делегацияларнинг вакиллари фестиваль байроғини кўтарадилар.

Фестиваль очилди. СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари янграйди.

Тошкент халқаро кино анжуманининг очилишига бағишланган тантанада КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Тантанали кеча охирида Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

АФРИКА ХАЛҚЛАРИ, БИЗ СИЗЛАР БИЛАН БИРГАМИЗ!

«Озодлик куни — Африка ҳаётидаги катта байрамдир. Бу шонли санани озодлик, мустақиллик ва тинчлик иделларини қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси Африка мамлакатлари ва халқлари билан биргаликда кенг нишонламоқдалар». Л. И Брежневнинг Африка озодлиги куни муносабати билан Африка давлатлари ва халқларига йўллаган табрикномасидаги ана шу сўзлар Тошкент жамоатчилиги вакилларининг шу байрамга бағишланган йиғилишида жаранглади. Йиғилиш 25 майда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида бўлиб ўтди. VII халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари қитъа халқлари билан бирдамлик изҳор қилмоқ учун бу ерга келдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов доклад қилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимиз бунёдга келган дастлабки кундан бошлаб ўз озодлиги учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш унинг ташқи сиёсатидаги бош йўналишлардан бири бўлиб қолди. Улуғ Ленин тинчлик учун курашни халқларнинг озодлик ва социал тараққиёт учун кураши билан боғлаб олиб боришни аниқ кўрсатган эди.

— Мамлакатим халқи, — деди йиғилишда сўзга чиққан Мадагаскар ахборот министрининг ўринбосари Арман Раманбазафи, — Совет Иттифоқи бизга бераётган чинакам беғараз ёрдам учун чексиз миннатдордир. Мен шу йиғилишда бутун қитъани мустамлакачилик, ирқчилик ва апартеиддан озод қилишда Африка давлатлари ва халқларига янги-янги муваффақиятларни тилаб билдирган самимий истаклари учун Леонид Ильич Брежневга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ҳ. Сирожиддинов, Тошкентдаги «Миконд» заводининг пайвандчиси А. Раҳимова, ТошДУ студенти Л. Зоирова, кинорежиссёр СССР халқ артисти, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотининг лауреати С. И. Ростоцкий ўз нутқларида Африка халқлари билан бирдамлик изҳор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШ СИФАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Октябрь район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Район партия комитетининг биринчи секретари О. С. Расулов КПСС XXVI съезди қарорлари асосида қурилишда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, қурилиш муддатларини қисқартириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама этишда «Ташинжстрой» трестининг бошқарувчиси А. Абдуқодиров, «Таштрансспецтрой» тресті слесарь-сантехники А. Филатов, «Ташгипрогор» институтининг директори Т. Шахсуварян, «Горремстрой» трестининг 5-ремонт-қурилиш бошқармаси ғишт терувчиси Н. Маҳмудов ва бошқалар қатнашишди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика пойтахтининг Куйбишев, Чилонзор ва Ҳамза районларида сайлов олди кампаниясининг бориши ҳақидаги ахборот тингланди. Сайловга тайёргарлик бўйича ахборот билан бош бошқармалар, шаҳар телефон тармоғи, савдо, умумий овқатланиш, маданият ва ободонлаштириш бошқармаларининг раҳбарлари сўзга чиқишди.

Мажлисда сайловларга тайёргарлик аниқ тадбирларга мувофиқ, катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида олиб борилаётганлиги таъкидланди. Агитаторлар фаол ишламоқда, сайлов комиссиялари депутатликка номзодларни рўйхатга олмоқда, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди.

Комиссия камчиликларни кўрсатиб ўтди. Жумладан, айрим агитпунктларда кўргазмали агитация кўнгилдагидек эмас, айримларида жиҳозлар, телефон алоқаси етишмайди. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш билан боғлиқ масалалар ҳамма жойда ҳам оператив ҳал этиляпти деб бўлмайди.

Сайловларга тайёргарлик бўйича ишларни янада активлаштириш таклиф этилди.

Комиссия халқ депутатлари шаҳар Советига сайловлар бўйича сайлов бюллетенларининг намунасини тасдиқлади.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг XI сессияси 1982 йил 27 май соат 15.00да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

• Мажбуриятлар изидан

КЎП, СИФАТЛИ, АРЗОН

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Октябрь ва Чилонзор районлари ишлаб чиқариш коллективлари умумхалқ байрами — 1 Майни муносиб кутиб олдилар. Реализация ҳажми ва асосий буюмларни ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик план муддатидан аввал адо этилди. Натижада мамлакат халқ хўжалиги топшириққа қўшимча 3,3 миллион сўмликдан ортиқ буюм ишлаб чиқарди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни Октябрь район саноати 104,4 процент, Чилонзор район саноати 103,2 процент адо этди. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 4,4 ва 8,6 процент юксалди, меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши эса 3,6 ва 6,2 процентни ташкил этди. Сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми Октябрь районида 3,338 минг сўмлик, Чилонзор районида 2.521 минг сўмликка ортди. Бунда Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 81,8 процентига, Чилонзор районида 74,4 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Йилнинг тўрт ойи мобайнида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш Чилонзор районида планга нисбатан 110,8 процентни, Октябрь районида 93,6 процентни ташкил этди.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари) шу йилнинг биринчи кварталида Октябрь ва Чилонзор районларида 113 процент адо этилди, турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича квартал топшириғи 101 ва 63 процентни ташкил этди.

Корхоналарнинг йилнинг тўрт ойи мобайнидаги социалистик мусобақаси ва хўжалик-иқтисодий фаолияти якунларини Октябрь район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Н. ОЛТИБОЕВ шарҳлайди:

Район ишлаб чиқарувчилари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, беш йилликнинг иккинчи йили планларини муддатидан аввал бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қаттиқ кураш олиб боришяпти. Бу район индустриясининг шу йилнинг январь-апрель ойларидаги хўжалик-иқтисодий фаолияти якунларидан кўриниб турибди.

Сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми 3.338 минг сўмликка юксалди. «Средазэнергоцветмет» корхонаси, «Ташкентпиво», кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмалари, кунмўйна, мебель, тажриба-техника заводлари янги техникани жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва маҳсулот сифатининг юксак даражада бўлишини таъминлаш эвазига сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 13-20 процент оширдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, бу корхоналар меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишнинг юксак суръатда бўлишини таъминладилар.

Бу планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича коллективлар олган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш имконини берди.

Бир қатор корхоналарда, жумладан, «Средазэнергоцветмет»да ҳар бир бўлим ва хизматнинг яхши ишлашини таъминлаш, моддий-техника таъминоти яхши йўлга қўйилганлиги эвазига меҳнатнинг юксак суръатда бўлишига эришилаяпти. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига кўпгина участкалар коллективларининг ўтганлиги сезиларли самара бераяпти. Натижаси кўзга ташланиб турибди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати бу ерда сўнгги йилда 15,4 процент юксалди. Планга қўшимча саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича мажбуриятлар ҳам икки баравар ортиғи билан адо этилди.

Беш йилликнинг иккинчи йили бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятларда оз моддий-техника харажатлари билан кўплаб юқори сифатли халқ хўжалиги буюмларни ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Мажбуриятларнинг бу бандлари қандай амалга оширилаяпти? Умуман чакки эмас. Умумий маҳсулот ҳажмида Сифат белгиси билан тайёрланаётган буюмлар 16,4 процентни ташкил этади, йилнинг тўрт ойи мобайнида буюртмачиларга, савдо тармоқларига 13 миллион сўмликка яқин фахрли беш қиррали белгиси бўлган маҳсулот етказиб берилди.

Шу билан бирга айрим корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сифатнинг олий категориясида буюмлар ишлаб чиқаришни пасайтириб юборишди. Булар орасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. Бу ерда ўтган йилнинг тўрт ойи мобайнида ҳар бир бешинчи буюмда фахрли беш қиррали белги бор эди. Бироқ шу йилнинг январь-апрель ойларида Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулот 17,7 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда меҳнатнинг уйга иш бериш системасини йўлга қўйишда катта резервлар бор. Пенсионерларни, инвалидларни, кўп болали аёлларни ишга жалб этиш зарурлиги ҳақида КПСС XXVI съезди қарорларида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Гап шундаки, меҳнатнинг бу шакли аслида кўп моддий-техника харажатини талаб этмагани ҳолда, яхши самара беради. Шу билан бирга ихтисослашган уйга иш бериш бадиий буюмлар фабрикаси уйда ишловчилар меҳнатини жуда сусткашлик билан такомиллаштираяпти. Бу ерда шунинг учун ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Сифат белгиси билан буюмлар ишлаб чиқариш 7 процентга камайди.

Маҳсулот таннархини камайтирмасдан, шунингдек ҳар бир буюмга сарфланаётган харажатни қисқартирмасдан ишлаб чиқаришнинг юксак самарали бўлишини таъминлаш мумкин эмас. Бу борада район индустриясида маълум ишлар қилинаяпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида барча саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажат анча камайди— тежалган маблағ 892 минг сўмликни ташкил этди. Ёмон эмас. Лекин бир қатор корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришда ортиқча харажатга йўл қўйишмаганда бу кўрсаткич янада яхши бўлар эди. Бадиий буюмлар фабрикаси товар маҳсулот таннархининг ўн минг сўмга қимматлашувига йўл қўйди. «Матбуот» полиграфия бирлашмасида эса бундан ҳам кўп— 182 минг сўмлик ортиқча харажатга йўл қўйилди.

Корхоналарнинг раҳбарлари барча ишлаб чиқаришлар иқтисодий фаолиятини чуқур анализ қилишлари, қўшимча маблағ сарфлашга олиб келган сабабларни аниқлашлари ва жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тадбирлар белгилашлари, пландаги маҳсулотни оз маблағ сарфлаб, юқори сифатли тайёрланишини таъминлашлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг апрель (1982 йил) Пленуми қарорлари, республикага Ленин ордени топшириш пайтида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатда берган кўрсатмалардан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар ана шунга даъват этади.

«Госкомсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводи коллективи йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: пресслар тайёрлаш цехининг илғор слесарлари Ш. Мингалимов ва Р. Хабихузинлар тасвирланган. Улар ойлик иш нормаларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

СОВЕТ АДВОКАТУРАСИ—60 ЁШДА

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бу байрам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида, бутун мамлакат ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съезди, ВЛКСМ XIX съезди ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқлари таассуротлари билан яшаётган ҳамда меҳнат қилаётган даврда, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар олдидан нишонланаётганлиги билан муҳимдир.

ВЦИКнинг III сессияси 1922 йил 26 майда мамлакатда Совет адвокатураси институтини таъсис этган кундан совет адвокатурасининг биографияси бошланди. Мана 60 йилдирки, бу жамоатчилик юридик ташкилоти гражданларнинг гарантияланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш системасида, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, кишиларни ҳуқуқий тарбиялашда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Бизнинг жамиятимиз ҳаётида адвокатуранинг умумдавлат аҳамияти беқиёс. В. И. Ленин 1921 йил 31 августда профессор В. В. Адоратскийга йўллаган машҳур мактубида унинг аҳамиятини аниқ белгилаб берди.

Бутун совет адвокатураси каби ўтган даврда Ўзбекистон адвокатураси ва унинг бўғинларидан бири бўлган Тошкент адвокатураси шонли йўлни босиб ўтди. Кам сонли кадрлардан яхши тайёрланган юзлаб бой тажрибали мутахассислари бўлган, яхши ташкил этилган кўп тармоқли хизматгача бўлган — республика адвокатурасининг изчил ривожланиши ана шундай.

СССР Конституцияси 1936 йилда судда ҳимояланиш ҳуқуқини конституцион асосга кўтарди. Ўша даврда Ўзбекистонда стажёрлар ва амалда ишлаётганларни қўшган ҳолда 127 адвокат бор эди. Улардан бор-йўғи 33 киши олий юридик маълумотга эга бўлган. Бугунги кунда фақат Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси составида 300 дан ортиқ адвокат меҳнат қилаяпти. Булардан 100 дан ортиғи коммунистлар, адвокатларнинг ярми аёллар, мутахассисларнинг мутлоқ кўпчилиги кўп йиллик тажрибага эга бўлган юқори малакали кишилар, улар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган 9 юрист бор.

СССР янги Конституцияси қабул қилингач, адвокатуранинг роли янада ошди. КПСС XXVI съездида ҳуқуқ муҳофазаси органларининг фаолияти юксак баҳога сазовор бўлди. Съездда қўйилган вазифалар бизни янада яхшироқ меҳнат қилишга, ишимизни яхшилаш учун янги резерв ва имкониятларни қидириб топишга, гражданларга ва ташкилотларга кўрсатилаётган юридик ёрдам самарадорлигини оширишга ундайди.

Ҳозир шаҳарнинг барча районларида юридик консультациялар бўлиб, иккита ихтисослаштирилган юридик консультация ишламоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида Тошкент адвокатлари 55,5 мингдан ортиқ кишига юридик ёрдам кўрсатишди.

Шаҳар адвокатураси кучи билан район ижроия комитетлари, корхоналар, турар жойларда 305 та жамоатчилик юридик консультациялари ташкил этилган.

Топширилган ишни чуқур таҳлил қилиш, ҳужжатларни малакали тўлдириш, ҳуқуқий позицияга оғишмай амал этиш — адвокат фаолиятининг муваффақияти ана шуларга асосланган. Бу амалда қандай намоён бўлмоқда? Ўтган йили Тошкент шаҳар коллегияси адвокатлари томонидан 6038 та талабнома билдирилиб, буларнинг деярли ярми қониқарли ҳал этилди. Ана шу рақамлар ортида кишилар тақдири ётади. Бизнинг мутахассисларимиз ёрдам сўраб мурожаат этган минглаб гражданларга кўмаклашдилар. Машаққатли адвокатлик касбининг инсонпарварлик роли ана шундадир.

Мутахассисларимизнинг мутлоқ кўпчилиги халқ хўжалигида катта иш олиб боришяпти. Тошкентдаги 355 та ташкилот ва муассаса юридик хизмат кўрсатишга жалб этилган. Фақат ўтган йилнинг ўзида 385 та ана шундай шартнома тузилган эди. Шаҳар коллегияси адвокатлари судлар ва давлат арбитражи органларида мингдан ортиқ ишни кўриб чиқишди, улар бўйича 8 мингтага яқин ҳужжат тайёрлашди. Қониқарли деб топилган даъволар ҳамда даъво тартибида ундирилган сумма 5,2 миллион сўмдан ошди.

Ҳуқуқ пропагандаси ва меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялашга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда бу йўналишдаги ишлар бирмунча кучайди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида»ги, «Меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, партия ва ҳукуматимизнинг бошқа ҳужжатлари мутахассисларимиз учун дастуриламалдир.

Тошкент шаҳар коллегияси адвокатлари ўтган йили 8122 та ҳуқуқий тарбия тадбирлари ўтказишган бўлиб, бу аввалги йилдагига нисбатан мингта кўпдир. Булар лекциялар, савол-жавоб кечалари, радио, телевидение, матбуотда чиқишлар, жамоатчилик юридик консультациялари ўтказиш ва бошқалардир. Қонунчиликни кўргазмали пропаганда қилиш учун ўнлаб корхона ва ташкилотларда ҳуқуқ бурчаклари ташкил этилган.

Мутахассисларимиз шаҳар аҳолиси билан клубларда, маданият уйлари ва саройларида, кинотеатрларда, парклар ва дам олиш зоналарида, ҳовлиларда, завод ва фабрикаларнинг цехларида, мактабларда учрашадилар. Улар В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь революцияси, «Ташсельмаш», трактор, «Таштекстильмаш» заводлари, Ф. Хўжаев номидаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида тез-тез бўлиб турадилар. «КПСС XXVI съезди қарорлари амалда», мамлакатнинг Асосий қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси, совет турмуш тарзи, гражданларнинг гарантияланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳақида лекциялар, суҳбатлар, докладлар ўқишади. Адвокатларнинг чиқишларида оила ва никоҳ, социалистик мулкнинг муҳофаза қилиниши, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича қонунчиликни тушунтириш, ёшларни ғоявий-ҳуқуқий тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилади.

Мутахассисларимиз ҳуқуқ билимлари халқ университетлари ва факультетларининг ишида мунтазам қатнашмоқдалар. Бундай университетлар ҳозир 49 та бўлиб, мактаблар ва техникумларда, ҳунар-техника билим юртлари ва корхоналарда, район, партия, ижроия комитетларида, халқ контроли комитетларида, маданият саройлари ва уйларида ташкил этилган. А. Эржонов, Р. Аренберг, М. Мирсоатов каби юридик консультацияларнинг мудирлари, кўплаб адвокатлар ҳуқуқ билимлари халқ университетларининг раҳбарлари ҳисобланишади. Бу соҳада Тошкент шаҳар коллегияси Президиумининг аъзолари, Октябрь, Сергели, Киров, Акмал Икромов, Ленин, Куйбишев, районлари юридик консультацияларининг мутахассислари яхши ишлашаяпти.

Мутахассисларимиз оталиқ ёрдамини кучайтира бориб, халқ маорифи бўлимлари, педагогика коллективлари билан ҳамкорликда шаҳар мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида йил бошидан бери 250 дан ортиқ ҳуқуқ тарбияси тадбирлари ўтказишди. Жумладан Чилонзор райони адвокатлари ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ бузилишларига йўл қўйилган мактабларни аниқладилар. Ана шундай 12 та мактабга тажрибали юристлар бириктирилди.

Тошкент адвокатлари партия ва совет органларининг топшириқларини бажаришга юксак масъулият, профессионал гражданлик бурчи ҳисси билан муносабатда бўлмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ўз ишларини республика ва маҳаллий газеталардаги жамоатчилик вазифалари билан уйғунлаштириб, маҳаллий Советларнинг депутатларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, жамоатчилик ташкилотларига ёрдам кўрсатишаяпти.

Тошкент шаҳар коллекцияси Президиуми, юридик консультациялар Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети, Ўзбекистон ССР юстиция министрлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими, район партия ва ижроия комитетлари раҳбарлиги остида адвокатура фаолиятининг барча йўналишлари, бўйича ўз ишларини такомиллаштирмоқдалар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, гражданлар ва ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича талабларини ҳаётга тадбиқ этмоқдалар.

С. ЁҚУБОВ,
Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси Президиумининг раиси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Учқўрғон районидаги 57-махсус қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ўқувчиси бўлажак операторлар ўртасидаги республика конкурсида учинчи маротаба ғалаба қозонмоқда. Ибодулла Саримсоқов елкасига қизил лента ташланди.

Учқўрғон билим юртида ўқиш учун янги моддий техника базаси яратилган бўлиб, тажрибали мураббийлар меҳнат қилишмоқда. Ҳунар-техника билим юртларининг юзлаб битирувчилари Наманган областидаги чорвачилик фермаларида ишламоқда.

* * *

Гулистондаги янги микрорайонда болалар ўз клубларини «романтик» деб атадилар. Бу клуб Совет Иттифоқи Қаҳрамони Елена Стемпковская номидаги шаҳар пионерлар уйининг ўзига хос филиалига ҳам айланди. Клубда тасвирий санъатнинг ёш ихлосмандлари учрашиб турадилар. «Оқ тўра» шашка-шахмат секцияси очилган, «улар биринчилардан эдилар» деб аталган изтопарлар группаси иш кўрмоқда, энг кичкинтойлар учун ҳам «савол-жавоб» тўгараги очилган. Юзлаб болалар ўзларининг бўш вақтини клубда қизиқарли ўтказмоқда.

* * *

Денов районидаги Охунбобоев номли колхозда оналар ва болалар учун янги касалхона қурилди. Бу касалхона 150 беморга мўлжалланган. Ихтисослашган шифохонанинг икки бўлими-гематология, ва гастроэнтерология бўлимлари, ёруғ палатлар, деагностика ва процедура хоналари бор.

Ўн биринчи беш йилликда Сурхондарёда яна бир қанча шундай даволаш муассасаларини очиш мўлжалланган. Шу йил охиригача Шерободда, келгуси йилда эса Жарқўрғон ва Учқизилда оналар ва болалар район касалхонаси фойдаланишга топширилади.

* * *

Енгил ва озиқ-овқат саноати Бухоро технология институти бу йил биринчи маротаба нон технологларини тайёрлаб чиқаради. Ёш мутахассисларнинг ҳаммаси республика қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларидаги тенгдошларининг ташаббусига амал қилиб қишлоқа — Бухоро, Сурхондарё ва Навоий областларининг энг узоқ районларига бориб ишлашга аҳд қилдилар. Инженер— педагогика факультетини тамомлаб чиққан 105 ёш мутахассисдан 94 киши ҳам қишлоқ жойларда меҳнат қилади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«Тошкент оқшоми» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг қўшма рейди

ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ЗАФАРЛАРИМИЗ— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Серқуёш республикамиз пойтахти келаси йилнинг сентябрь ойида ўзининг 2 минг йиллик юбилейини нишонлайди. Ана шу муносабат билан шаҳримизда катта ҳажмда ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент — мамлакатимизнинг замонавий архитектура, фан ва техниканинг ютуқлари мужассамлашган гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Тошкент жадал суръатлар билан юксакликка бўй чўзмоқда. Шунингдек уни янада кенгайтириш планлари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Агар ҳозирги кунда шаҳар 25 минг гектар майдонни ишғол этган бўлса, 2 мингинчи йилга келиб у тахминан 35 минг гектарга кенгаяди. Кўплаб маданий-маиший, уй-жой бинолари, саноат корхоналари, истироҳат боғлари қурилади. Янги турар жой биноларининг 75 процентини 9-12 қаватли иморатлар ташкил этади.

Шарқда машъал бўлган гўзал Тошкентнинг меъморчилик ансамбллари ичида Халқлар дўстлиги майдонидаги иншоотлар комплекси алоҳида ўрин эгаллайди. У шаҳар марказининг қатор ансамбллари билан узвий боғланиб кетган. Бири-биридан кўркам бўлган бу майдондаги мухташам уйлар ва тўрт баҳодир номи билан аталувчи осмонўпар бинолар замонавий архитектураси билан, ўзининг қайтарилмас салобати билан бугунги кунда барчани мафтун этмоқда. Бу майдон чинакамига Тошкент жавоҳири, ҳар бир тошкентликнинг фахри бўлиб қолди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида Ўзбекистон пойтахтини СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон қўли билан бунёд этилган рамзи, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари туркумида «Шарқ юлдузи» каби порлаб турибди, деб юксак баҳо берди.

Тошкентлик қурувчи-бунёдкорлар катта ҳажмда қурилиш ишларини амалга оширдилар. 11-беш йилликнинг дастлабки йилида 1 миллион квадрат метрдан зиёд ҳажмда турар жой бинолари, ўнлаб янги мактаблар, маданий-маиший бинолар, умумий овқатланиш корхоналари, соғлиқни сақлаш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кенг магистраллар пайдо бўлди. Шаҳар транспорт тармоғи янада кенгайди, бир неча янги трамвай ва троллейбус трассалари ишга туширилиб, аҳолига катта қулайлик яратилди. Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойликлари давомида бир неча янги хиёбонлар барпо этилди. Бу йилги Тошкент баҳори ёркин ва яшиллиги билан, кўнгилни хушнуд этувчи фазилатлари билан ҳар бир тошкентлик қалбида чуқур из қолдирди.

Шаҳар хўжалигининг ҳар бир жабҳасида қўлга киритилган ютуқларни тошкентликлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишламоқдалар.

Азиз ҳамшаҳарларимиз Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун ўзлари истиқомат қилиб турган уйлари атрофини, ишлаб турган жойларини намунали асрашга, территорияларини ободонлаштиришга, кварталларнинг санитария ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳар йили ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказяптилар.

ОБОД БЎЛМОҚДА, ЛЕКИН...

Фрунзе райони меҳнаткашлари район территориясини ободонлаштиришда ибратли ишларни амалга оширяптилар. Қаёққа қараманг озода, саранжом-саришта, кўп қаватли бинолар ям-яшил дарахтлар билан бурканган. Кўча ўрталари эса гулзор. Йўловчилар учун ўтиш жойлари ва транспорт тўхташ бекатлари қулай ва хавфсиз.

Яшил либос — шаҳримиз кўрки. Ҳар йили ўтказилаётган неча ўн минглаб дарахтлар бугунги кунда республикамиз пойтахти кўркига-кўрк қўшиб турибди. Фрунзе районидаги хиёбонларга ўтқазилган кўчатлар барқ уриб ривожланиб, районни ям-яшил зонага айлантирмоқда. Бугунги кунда бу ерда йўловчилар учун айниқса катта қулайлик яратилмоқда. Транспорт бекатларига ўрнатилган замонавий, кўркам соябонлар йўловчилар учун қулайлик яратиш билан бирга, кўча ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Ёғочдан ишланган бу чиройли соябонлар ўзининг оригиналлиги билан бир-бирига ўхшамайди. Ҳозир районда бундай соябонлар сони 10тага етказилди.

Бироқ бундай ибратли ишлар ҳамма районда ҳам амалга оширилаяпти деб бўлмайди. Октябрь районидаги метронинг «Пахтакор» станцияси олди ҳар доим одамлар билан гавжум бўлади. Бу ерда 3-автобус паркининг 10 га яқин автобус тўхтайдиган бекати жойлашган. Аммо пассажирлар учун ҳеч қандай қулайлик яратилмаган. Ўриндиқлар йўқ, пассажирлар қишнинг ёғин-сочинидан, ёзнинг жазирама иссиғидан ўзларини қаерга уришларини билмайдилар.

Шаҳримиз кундан-кунга обод, кўркам ва серфайз бўлиб боряпти. Бироқ ҳали ҳам баъзи район территорияларида қаровсиз қолган хиёбонлар, майдонлар, ремонт қилинмаган кўчаларнинг учраб туриши шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушяпти.

Йўлларни жорий ва капитал ремонт қилиш ишлари билан асосан «Гордорстройремонт» тресги (бошлиғи Н. Зисман) шуғулланади. Район ободонлаштириш бошқармасининг йўлсозлари шаҳар марказларидаги кўчаларда транспортлар учун ҳам, йўловчилар учун ҳам қулайлик яратишга ҳаракат қилишган. Бироқ бу иш ҳамма жойда яхши амалга оширилаяпти деб бўлмайди. Бунга мисол қилиб Калинин майдонидаги Табиат музейи атрофини кўрсатиш мумкин. Мана 3 ойдирки, транспортчилар ана шу кўчадан ўтишда жуда қийналишди. Бу ердан ҳар минутда 50 та машина тўхтовсиз ўтиб туради. Худди шу ернинг ўзида пиёдалар учун йўлкачалар қурилмаган. Бу эса транспорт ва йўловчиларнинг қатновини қийинлаштираяпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шаҳримиздаги Энгельс, Лоҳутий, Педагогика, Бешқайрағоч, Образцов, Новий путь ва бошқа кўчаларда аҳоли ва транспорт қатнови учун қулайлик яратилмаган.

Айрим қурилиш ташкилотларининг айби билан кўчалар ифлослантирилаяпти. Қурилиш материаллари йўл-йўлакай сочилиб, теварак атроф ифлос қилинмоқда. Шаҳардаги барча қурилиш ташкилоти раҳбарлари ва «Гордорстройремонт» тресги хизматчилари бундан тегишли хулоса чиқарадилар ва йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этадилар деб умид қиламиз.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Тошкентнинг Куйбишев райони сўнгги йилларда янада кўркамлашди. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари билан бирга маъмурий бинолар ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Район меҳнаткашлари «Районимизни намунали районга айлантирамиз!» шиори остида ободончилик билан бир қаторда баҳор фаслида умумхалқ ҳашарига чиқишди. Ҳар галгидек баҳорги кўчат ўтқазишда яхши натижаларга эришилди. Апрель ойининг ўзида 70 мингдан кўп кўчат ўтқазилди. Шундан 25 минг 300 таси мевали, 46 минг 800 тупи манзарали бута кўчатларидир. «Гордорстройремонт» трестига қарашли 1-ремонт қурилиш бошқармаси Абдалин, Зулайҳо, Луначарский кўчаларида 20 минг сўмликдан зиёд капитал ремонт ишларини бажаришлари керак эди. Афсуски, Абдалин ва бошқа кўчалардаги ишлар ниҳоясига етказилмай, чала ташлаб кетилди.

Район марказидан сал ичкари киришингиз билан кўча четларида уюлиб ётган ҳар хил чиқиндиларга кўзингиз тушиб, таъбингиз хира бўлади. Бунга мисол қилиб Қорасув массивидаги тартибсизликларни кўрсатиш мумкин. Бу ердаги йирик транспорт бекатларида ҳеч қандай соябонлар ўрнатилмаган. Ҳалқа йўлдан Қорасув канали бўйлаб юрсангиз, ўтган йили фойдаланишга топширилган Қорасув массивидаги 4-микрорайоннинг 5 қаватли уйларига кўзингиз тушади. 69-ЖЭК ихтиёридаги бу бинолар атрофи умуман ободонлаштирилмаган. Чиқиндилар дуч келган ерга ташланган. Қорасув массивидаги 1-микрорайонга жойлашган 24-уйнинг олдидаги ахлат уюмлари кун сайин ортиб боряпти. Бу ерга на фақат аҳоли, балки атрофдаги савдо шаҳобчалари ходимлари ҳам ҳар хил чиқиндиларни ташламоқдалар. Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 24-магазин (мудири Ҳ. Ҳакимов), Чилонзор савдо магазинининг 5-филиали (мудири П. Эркинхўжаев), «Ташхлебторг»нинг 33-магазини (мудири С. Ортиқов) шулар жумласидандир. Шуни ҳам айтиш керакки, бу савдо шаҳобчалари олдида ҳам ҳеч қандай ободончилик ишлари олиб борилмаган. Худди шундай манзарани 103-сартарошхона биноси, «Ташгормедтехника»га қарашли 3-оптика магазини олдида ҳам кўриш мумкин. Биз нега кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмаган, деб берган саволимизга «улгура олмадик» деган жавобни олдик.

Ҳар бир ҳамшаҳарларимиз шуни эсдан чиқармаслиги керакки; шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу ишдан ҳеч ким четдан қолмаслиги лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, шаҳримизнинг дуч келган ерига истаган нарсаларини олиб чиқиб сотаётган савдо шаҳобчалари хизматчилари ўзларидан кейин уюм-уюм чиқиндилар қолдириб кетишиб, санитария қоидаларига хилоф иш тутмоқдалар. Қорасув массивидаги кўчаларнинг дуч келган ерида Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 17-магазин (директори З. Орипов) сотувчиси Н. Матвеева магиз, лимон ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар билан савдо қилмоқда. Танланган савдо жойининг ўзи антисанитария ҳолатида. Чилонзор массивидаги 8-кварталда «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли Чилонзор район улгуржи-чакана савдо идорасининг (бошлиғи М. Морозова) 5-(мудири Т. Мелев), 16-(мудири Ф. Раҳимов), 6-(мудири Г. Чеганадзе) магазинларининг сотувчилари деярли ҳар куни пахта ёғи, лимон, бодринг, карам ва бошқа маҳсулотлар билан ана шу ерда савдо қилишади ва ўзларидан кейин чиқиндилар қолдиришади.

Шаҳримизнинг дуч келган ерида савдо-сотиқ қилаётган бундай ўзбошимчаликка нима деса бўлади?

БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Шаҳар умумий овқатланиш бошқармасининг баъзи бир районлардаги трестларга қарашли ошхоналарда ҳам маҳсулотни дуч келган ерга олиб чиқиб сотиш ҳоллари рўй бермоқда. Чилонзорнинг 18-кварталидаги Соня Эркабоева мудирлик қилаётган «Солночное» кафесининг ошпази Нилов савдо ва санитария қоидаларига хилоф иш тутмоқда. Наҳотки савдо шаҳобчалари ва трест раҳбарлари бундай ўзбошимчалик билан шаҳримиз ҳуснига доғ тушираётганликларини пайқашмаса?!

Тошкентни обод ва кўркам қилишда ҳар бир бажариладиган ишга майда-чуйда деб қаралмаслиги, зиммага олинган топшириқни шараф билан сифатли қилиб адо этишга эришиш зарур. Лекин шаҳримиз массивларини айлансангиз болалар майдончаларининг қаровсизлиги, чиқиндиларнинг ёқиб юборилиши, ўнқир-чўнқир кўчаларга дуч келасиз. Чилонзор массивидаги 20-кварталла болалар бассейни бир неча йилдан буён ремонт талаб бўлиб ётибди. 16-кварталдаги 1-уй атрофида эса чиқиндиларни бемалол ёқишади. «Автодормехбаза» (бошлиғи Мирзаев) бу ердаги чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмайди.

Биз юқорида тилга олинган районларнинг ободонлаштириш хизмати ходимлари йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатадилар, ўзлари яшаб, ишлаб турган ҳовли ва биноларнинг олдини янада ободонлаштирадилар, пассажир траспорти тўхтайдиган бекатларнинг йўловчилар учун қулай бўлишини таъминлайдилар деб умид қиламиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини Тошкентни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уни боғу-бўстонга айлантириш ишида актив иштирок этиш билан кутиб олайлик. Ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир тошкентлик бу умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ўзингиз ишлаётган корхона ва ташкилотлар атрофидаги кўчаларни, территорияларни тартибга келтириб, истиқомат қилаётган микрорайон, турар жой массивларини янада яшил хиёбонга, гулзорга ва кўкаламзор жойларга айлантиришга ўз ҳиссангизни қўшингиз.

А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон телевидениесининг катта редактори.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» газетасининг мухбири.

(Ушбу рейд ҳақидаги материални бугун соат 18.15 да Ўзбекистон телевидениесининг иккинчи программасида кўришингиз мумкин).

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали. Тошкент-82

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

• Сўз—кинофестиваль иштирокчиларига

МУҲИМ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛ

Йилмаз ДУРУ,
продюсер, кинорежиссёр, актёр, «Тугра фильм» президенти (Туркия).

— Халқ ҳаётини, унинг турмуши ва интилишларини, қалбидаги гўзаллик ва орзу-ўйларини акс эттиришда, оламда юз бераётган сиёсий воқеаларга муносабат билдиришда кино муҳим ғоявий қуролдир. Шунинг учун ҳам прогрессив кинематографчилар яратган асарларнинг обрў-эътибори йил сайин ошиб бормоқда. Тошкент шундай муштарак мақсадли кинематографчилар учрашадиган, ижодий суҳбатлар қурадиган, тажриба ўрганадиган, ўзларининг ютуқ ва муаммолари ҳақида яқиндан фикрлашиб оладиган халқаро анжуманлар маркази бўлганлиги учун ҳам биз Туркия кино арбоблари уни севиб қолганмиз. Бу галги Тошкент киноанжуманига ҳам ўз янги картиналаримизни ана шундай катта ҳаяжон билан олиб келдик.

Биз Тошкент кинофестивалида намойиш этиш учун олиб келган фильмлар «Бахтли ишчи», «Сени қалбимга кўмдим», «Агар илонни ўлдирсалар», «Хазал», «Оҳ гўзал Истамбул» деб номланган. Бу фильмларда биз халқнинг бугунги турмуш тарзини, ижтимоий муаммоларни акс эттиришга ҳаракат қилдик. Уларда социал характердаги проблемалар билан бирга дўстлик ва муҳаббат мавзулари, инсон тақдири масалаларига ҳам катта аҳамият берилган. Бу фильмларда ўзбек кинотомошабинларига турк кино санъаткорлари Чингиз Айтматов асари асосида яратган «Қизил дуррача» фильми орқали машҳур бўлган актриса Тюркан Шорай такрорланмас образлар яратган.

Совет ва турк кино санъаткорлари ўртасидаги дўстлик ва ижодий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда бизнинг Халқаро Тошкент кинофестивалларидаги ижодий учрашувларимиз муҳим аҳамият касб этаяпти. Менинг турмуш ўртоғим Сабоҳат Дуру ҳам продюсер ва сценарий автори сифатида ана шу ижодий алоқаларга катта ҳисса қўшаяпти. Унинг сценарийси асосида «Севги афсонаси» номли биринчи совет-турк фильми суратга олинди. Мен бу фильмга мўзика басталаганман. Ҳозир эса мен «Озарбайжонфильм» студияси яратаётган «Низомий» фильмида Отабей ролини ижро этишга тайёргарлик кўраяпман. Бу турк актёри қатнашадиган илк совет фильми бўлади. Ҳаммаси бўлиб мен 110 дан ортиқ фильмда режиссёр ва продюсер, актёр сифатида иштирок этдим. Шулардан 25 тасига режиссёрлик қилганман. Бу фильмлардан менинг бевосита режиссёрлигимда яратилган 22 фильм Туркия кино асарларига бериладиган юксак мукофот—олтин медалга сазовор бўлган. Мен учун шуниси қувончлики, ушбу фильмлар жаҳондаги тинчликсевар мамлакат — Советлар Ватанида ҳам кўп бор қўйилган.

Халқаро Тошкент кинофестивали биз кино санъаткорлар яратаётган асарларга баҳо бериш билан бирга янги-янги режаларнинг туғилишида ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Мен турк ва совет кино арбоблари ўртасидаги ижодий алоқаларни, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлашдек улуғ ишга ҳисса қўшиш учун Чингиз Айтматовнинг янги романи асосида фильм яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бу фильмни ҳам навбатдаги Тошкент фестивалларида илк бор намойиш этиш учун бутун куч-ғайратимизни, ижодий имкониятимизни ишга соламиз.

ТОШКЕНТ РУҲИ БАРҚАРОР

Саҳиб ХАДДАД,
кинорежиссёр (Ироқ).

— Тошкентда ўтаётган Халқаро киноанжуманнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остидаги тинчлик руҳини фақатгина уч қитъада эмас, бутун жаҳондаги барча мамлакатларнинг кино санъаткорлари катта хайрихоҳлик билан эътироф этишади. Чунки жаҳон халқларини тинчлик ва дўстлик учун муштарак мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштиришдек бундай шарафли вазифа бошқа ҳеч бир кино анжуманда биринчи даражали вазифа сифатида қўйилмайди.

Биз Ироқ киносанъаткорлари VII Халқаро Тошкент кинофестивалига ҳам катта тайёргарлик билан келдик. Мен режиссёрлик қилган «Мутауи ва Бахия» бадиий фильми Миср ва Ироқ халқлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб, унда уруш даври халқ бошига етказган жароҳатлар, Миср деҳқонининг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда илгари сурилган концепция Тошкент фестивалининг тинчлик руҳига ҳар жиҳатдан мосдир.

Биз бу ерда ўз фильмларимизни намойиш қилиш билан бирга Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишаяпмиз. Мен фестивалга ташриф буюрган уч қитъа мамлакатлари киносанъаткорлари номидан ана шундай улкан жаҳоншумул кинофорумни муваффақиятли ўтказишга катта тайёргарлик кўрган Тошкент шаҳри жамоат ташкилотлари ва киносанъаткорларига катта ташаккур билдираман.

ТУРКМАНИСТОН КИНОСАНЪАТИ

«Туркманфильм» киностудияси 1926 йили ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида бу ерда олтмишга яқин бадиий, қарийб беш юзтача ҳужжатли фильмлар яратилди.

Туркманистон кинематографиясининг тарихи москвалик ва ленинградлик экран усталарининг номлари билан узвий боғлиқдир. Всеволод Пудовкиннинг шогирди Александр Ледашев ўттизинчи йилларнинг ўрталарида машҳур туркман ёзувчиси Ўроз Гачназаровнинг «Хизматкор» достонини экранлаштирди. Фильм «Мен қайтаман» номи билан экранга чиқарилди. Юлий Ройзман эса Туркманистонда ўзининг биринчи асарларидан «Ташна ер» картинасини яратди. Бу фильм саҳрога янги ҳаёт бахш этаётган кишилар ҳақидадир. Михаил Ромм ҳам шу ерда совет чегарачиларининг босмачиларга қарши курашини акс эттирувчи «Ўн уч» номли фильмни суратга олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида туркман кинематографчилари машҳур совет кино усталари билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ишладилар. Бу туркман кинематографиясининг кейинги равнақида катта бир босқич ролини ўтади.

Урушдан кейинги йилларда Туркманистон кино санъаткорлари ранг-баранг жанрда долзарб, қизиқарли мавзуларни ёритиб беришга бутун куч ва эътиборларини қаратдилар. Натижада Туркманистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ҳақидаги «Дадил қадам» (режиссёр А. Кафлиев) киноэпопеяси, XVIII асрнинг йирик шоири ҳаёти ва ижодига бағишланган «Маҳтумқули» (режиссёрлар Х. Ёқубов ва А. Карлиев) фильми ва бошқа кўплаб ажойиб, жозибали киноасарлар вужудга келди. Улардан «Узоқдаги келин» (1948 йил), «Келин» (1973 йил) бадиий фильмлари СССР Давлат мукофотига, «Дадил қадам» номли (1966 йил) бадиий ҳамда «Қорақум дарё» (1969 йил) ҳужжатли ленталари Маҳтумқули номидаги Туркманистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ундан ортиқ бадиий фильмлар Бутуниттифоқ ва республикалараро кинофестивалларда дипломлар билан тақдирланган. «Ёнаётган арава йўли», «Ташналикнинг қондирилиши» (1968 йил), «Шўх ака-укалар» (1974 йил), «Олтин ранги» (1974 йил), «Меросхўр» (1976 йил) ва бошқа фильмлар шулар жумласидандир.

Туркман киночилари ҳар икки йилда Тошкентда ўтказилаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалида ҳам актив иштирок этиб келишмоқда. «Туркманфильм» томонидан фестивалга тақдим этилган «Келин», «Қорақум-дарё» (1972 йил), «Муқама сири» (1974 йил), «Саҳро баҳодирлари», «Театр—менинг ҳаётим», «Отни аёл эгарлаганда» (1976 йил), «Туркманистон—77», «Табиат инъом этган бўёқлар», «Оппоқ уфқ» (1978 йил) каби бадиий ва ҳужжатли фильмлар ушбу анжуман иштирокчилари ва меҳмонларига манзур бўлди. Шунингдек, 1980 йилги Халқаро Тошкент кинофестивалида ҳам туркман кинематографчилари ранг-баранг жанр ва мавзуда яратилган фильмларни томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Айниқса, «Қудуқ қазувчилар» картинаси юксак баҳоланди. Мазкур рангли бадиий фильмни Туркманистон ССР халқ артисти Баба Аннанов раҳбарлигида постановкачи-оператор О. Велмуролов суратга олган. Киноасар сценарийси ҳам Б. Аннанов қаламига мансуб.

Бу менинг биринчи режиссёрлик ишимдир, — дейди Б. Аннанов биз билан суҳбатда. — Фильм Улуғ Ватан уруши йиллари ҳамқишлоқларим бошидан кечган оғир кунлар ҳақида бўлиб, унда севги, меҳнат, гўзаллик хусусида ҳам фикр юритилади. Картина сюжети мураккаб эмас: табиий офат — сел қудуқнинг ишлаш системасини ишдан чиқаради. Бу қудуқ эса далани сув билан таъминлаб турган ягона манба бўлади. Шубҳасиз энди бош кўтараётган буғдой қовжираб, офтобнинг тафтига дош беролмай ҳалок бўлиши турган гап. Буни ҳамма яхши англайди ва одатда эркаклар бажарадиган ишни чоллар аёллар ўз зиммаларига олишади. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли янги қудуқ бунёд этилади. Шундай қилиб, туркман колхозчилари ердан улкан ҳосил олиб, совет жангчиларига нон, ун юборишади. Уларнинг бу меҳнати фронт орти мустаҳкам эканини, халқ билан армиянинг бирлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фильмда таниқли кино усталари иштирок этишган. А. Горький номидаги Туркманистон Давлат университети чет тиллар факультетининг талабаси Эльвира Қулиева Марал образини яратди. Бу талантли актриса томошабинларга «Кўҳитанг фожиаси» лентаси орқали яхши таниш. Унинг партнёри Карим Аннанов ҳам студент, у Мардан ролини ўйнаган. Бу ролга қадар у «Зотли отларнинг ўғирланиши» фильмида иштирок этган. Селба роли ижрочиси Энажон Муҳаммедгелдиева ҳам студент. Режиссёр Баба Аннанов ўзбек томошабинига ҳам жуда яхши таниш. У «Дадил қадам», «Икки дил достони», «Фалокат оёқ остида», «Аччиқ данак», «Фавқулодда ҳодиса», «Оппоқ уфқ» фильмларида ранг-баранг образлар яратган. Шунинг учун фақат актёр сифатида маълум бўлган таниқли туркман киносанъаткорининг режиссурага қўл уриб яратган илк асари кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Халқаро кинофестивалида ҳам туркман кинематографчилари муваффақият билан қатнашишмоқда. Улар фестивалга олиб келган фильмларга ҳам кинофестиваль программасидан кенг ўрин берилган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

Кинофестиваль қатнашчиларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси экспонатлари билан танишмоқдалар.
С. Маҳкамов ва М. Нуриддинов фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

ОРТИҚЧА СЕМИЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Инсоннинг аъзои-тани мунтазам ўзгариб туради, гоҳ семиради, гоҳ озади. Иссиқ жон дегандаридек, баъзан ҳасталаниб қолинади! Ўз сиҳат-саломатлигига эътибор берадиган одам соғлом, бардам юради.

Хўш, кишининг вазни, семиз ёки озғинлиги соғлиққа қандай таъсир қилади?

Одатда одамнинг нормал оғирликдан ошиғи семизлик ҳисобланади. Нормал оғирликни аниқлаш усуллари кўп. Булардан энг қулай ва соддаси шу: нормал оғирлик инсон бўйининг узунлигидан 100 сантиметр олиб ташланса, қолган рақам шу кишининг нормал оғирлиги ҳисобланади. Масалан: бўйи 168 сантиметр бўлган кишининг нормал оғирлиги 68 килограмм бўлади.

Кўпинча баъзи соппа-соғ кишилар семира бошласалар, бу ҳолатни хайрли, яхшилик деб тушунишади. Семизликнинг кўзга яхши кўриниши баъзиларнинг ҳавасини келтириши ҳам мумкин. Шунинг учунми кўпчилик семизликни касаллик деб билмайди ва жуда эътиборсиз қарайди. Кишида семириш жараёни давом этаверса, у жуда ҳам семиради, юришда, туришда қийналаверади, юраги ўйнайди, уни ачинарли ҳолатга олиб боради. Америкада 37 ёшли Юнг Танга исмли кишининг оғирлиги 484 килограммгача ўсиб борган.

Семизлик киши организмида модда алмашиниши процессининг бузилиши, айниқса ёғ алмашинишининг бузилишидан пайдо бўлади. Модда алмашинишининг бузилиши натижада рўй берадиган касалликларнинг энг кўп учрайдиган хили — семизликдир. Ёғ тўқимаси нормал оғирликдаги кишиларда умумий оғирликнинг 10-20 процентини ташкил қилади.

Ташқи кўринишнинг кўполлигидан ташқари, семиз одамда хотира пасаяди, тез чарчаш, уйқуга тортиш, бош айланиш ҳолатлари тез-тез рўй бераверади.

Ортиқча семизлик ҳолатлари эркакларга нисбатан хотин-қизларда тахминан икки баробар кўп учрайди, шаҳарликлар кўпроқ транспортда юриб, кам ҳаракат қиладилар. Демак, семизлик кам ҳаракат қилувчиларда, узоқ ўтириб меҳнат қилувчиларда ва кўпинча озиқ-овқат саноати соҳасида, масалан, ошпаз, нонвой ёки шираворлик цехларида ишлайдиганларда учрайди.

Умуман айтганда, семиз кишилар касалликни оғир ҳолатда ўтказадилар. Семириб кетган кишилар тез қарийдилар, юраклари тез ишдан чиқади ва умрларининг қисқаришига сабабчи бўладилар. Семизлик ҳолати кўпинча 45-50 яшар кишиларда кўпроқ учрайди, аммо бу ҳол ҳозирги вақтда ёш болаларда ҳам учраб турибди.

Семизлик —бу тери остида, ички органларда ортиқча ёғ йиғилишидир. Асосан, энг кўп семизлик тахминан 50-60 процент одамларда ортиқча овқатланишдан бўлади. Овқатланишдан ҳосил бўладиган энергия миқдори ва унинг сарфланиш ўртасидаги мувозанат бузилиши туфайли баданда ёғ йиғилади. Бу алиментар семизлик деб аталади. Бундан ташқари, марказий нерв системасининг касалланиши, ички секреция (қалқонсимон, гипофиз, буйрак усти ва таносил) безлари фаолиятининг бузилишидан ҳам семизлик пайдо бўлади ва бу семизлик шу касалликнинг белгиси ҳисобланади. Бу ҳолда шу касаллик дарҳол даволанса, семизлик ҳам қайтади.

Алиментар семизлик ҳақида шуни айтиш керакки, ортиқча овқатланиш, кам ҳаракатлилик, жисмоний иш билан кам шуғулланиш, овқатдан сўнг дарҳол ётиб ухлаш ҳолатлари ҳам семизликка олиб боради. Спиртли ичимлик истеъмол қилувчиларда ҳам семизлик ҳолатлари кўпинча рўй беради, чунки ичкилик иштаҳани очиб, кўпроқ овқат ейишга сабаб бўлади.

Семизлик касали бор кишиларда кўпинча юрак-қон томирлари ҳасталиги кузатилади. Қорин бўшлиғи ва чарвига йиғилган ортиқча ёғ кўкрак билан қорин бўшлиғини ажратиб турувчи диафрагма пардасини юқори кўтариб, юрак ишини қийинлаштиради ва бемор қувватсизлик, юракда оғриқ, ҳаво етишмаслик, нафас қисиш, юрак ўйнаши ҳодисалари рўй беради.

Семиз кишилар юқорига кўтарилишда, тез-тез юрганларида ҳансираб қоладилар, нафас олиш қийинлашади, юрак тез-тез уради. Юрак ишининг оғирлашиши натижасида у кенгаяди, бунинг натижасида қон айланиш процесси бузилади, ўпка, қорин бўшлиқларида суюқлик йиғилади. Шунинг учун ҳам юрак касалига йўлиққан семиз кишилар касалхонада ётишга мажбур бўладилар. Организмдаги ортиқча ёғ қон-томир ҳасталиги — атеросклероз касалига дучор қилади.

Семиз кишиларда кўпинча қон босимининг ошиши ва қандли диабет касалликлари ҳам учрайди. Кўп овқат ейиш натижасида семиз кишиларнинг ошқозони кенгаяди, ичаклари заифлашади, жигарлари шишади, оқибатда жигар, ошқозон касалликлари келиб чиқади.

Ортиқча семизликни даволаш учун энг аввало унинг сабабларини ўрганиб, врач маслаҳати билан даволаниш керак. Врач касалликни аниқлаб, шунга мувофиқ даволаш усулларини кўрсатади ва тўғри маслаҳатлар беради.

Озиш, оғирликни камайтириш жараёни аста-секин амалга оширилади. Шуни унутмангки, бир ойда 3-4 килограммдан ортиқ озиш мумкин эмас.

Семизликдан қутилиш учун врач маслаҳатини тўлиқ бажариш лозим. Бундай кишиларнинг тўғри, тартибли, ўз вақтида, бир кунда ўртача 4-5 марта, оз-оздан овқатланишлари айни муддао бўлади. Овқат рационида эса ёғ, айниқса мол ёғи ва ширинликларни ниҳоятда камайтириш керак. Хамирли овқатлар ҳам семиришга олиб келади. Спиртли ичимликлар қатъиян ман қилинади.

Жисмоний тарбияни меъёрида олиб бориш, уйқуни нормал ҳолга келтириш, ҳаво алмаштириш, санаторий ва курортларда дам олиш, сув процедураларидан врач кўрсатмаси билан ўринли фойдаланиш ҳам семизликни йўқотишга яхши ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, семизликни врач маслаҳатисиз даволаш мумкин эмас. Шунинг учун врач билан маслаҳатлашиб, семизлик дардидан халос бўлинг, бу эса узоқ умр гаровидир.

С. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

Бирлашган кўппрофилли шаҳар болалар касалхонасида моҳир шифокорлар болаларимиз саломатлигини яхши муҳофаза қилишмоқда. Шулардан бири медицина фанлари кандидати, доцент, кўз касаллиги мутахассиси Оксана Глебовна Левченкодир. У ўттиз йилдан бери шифокорлик қилади.

СУРАТДА: (чапдан) Оксана Левченко ординатор врач Сергей Леонидович Писаревский ва доцент Ҳасан Мирзаевлар билан махсус аппаратда боланинг кўзини текширишмоқда.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. МУХТОРОВА: Боқувчисидан айрилган ҳолларда унинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш масаласида кимга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Боқувчисидан айрилган ҳолларда оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза вафот этган оила бошлиғи сўнгги вақтларда ишлаган корхона, ташкилот ёки муассасанинг маъмурияти номига ёзилиши керак. Маъмурият эса ўз навбатида маҳаллий комитет билан биргаликда ўн кун ичида керакли ҳамма ҳужжатларни расмийлаштиради ва уни ариза берган киши истиқомат қиладиган жойнинг социал таъминот бўлимига ўтказади. Шундан кейинги бошқа расмийлаштириш ишлари социал таъминот бўлимида бажарилади.

* * *

О. ДЕҲҚОНОВ: Менга Суворовчилар билим юрти ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Бундай билим юрти Тошкент шаҳрида йўқ. Лекин мамлакатимиздаги бошқа шаҳарларда шундай билим юртлари мавжуд. Шу хусусдаги барча маълумотларни ўзингиз истиқомат қилиб турадиган жойингиздаги район ҳарбий комиссариатидан билиб олишингиз мумкин.

* * *

Э. ТЕШАБОЕВА: Ҳозир ишламайман. Тўрт ёшли фарзандим бор. Иккинчисига ҳомиладорман. Айтингчи, кўзим ёригандан кейин бир йилгача нафақа олишга ҳақлиманми?

Жавоб: Кўзи ёриган аёлларга ишлаётганлиги ёки ишламаётганлигидан қатъий назар бир йилгача маълум миқдорда нафақа тўлаш республикамизда ҳали жорий қилинмаган. Бу тартибга 1983 йилдан амал қилишни мўлжалланмоқда. Бинобарин, Сиз ҳам ҳозирча нафақа ололмайсиз.

Агар турмуш йўлдошингизнинг ойлик маоши 200 сўмдан кам бўлса, иккинчи фарзандингиз туғилгандан кейин ҳужжатларни расмийлаштириб ишхонасидан икки фарзандингиз учун кам таъминланган оила сифатида ҳар ойда 24 сўм-дан ёрдам пули олишингиз мумкин.

* * *

О. ТУРАЕВА: 8-синфни битирганимдан кейин техникумга ўқишга кирдим. Бу йил техникумни битираман. Техникумда ўқиган йилларим узлуксиз меҳнат стажимга кирадими ёки йўқми?

Жавоб: Узлуксиз иш стажини ҳисоблаш ҳақидаги тартибга кўра техникумни битирганингиздан кейин уч ой давомида ишга жойлашсангиз, техникумдаги ўқиган йилларингиз узлуксиз меҳнат стажингизга қўшилади.

* * *

А. САФАРОВ: Ўз вақтида олинмаган нафақани олиш мумкинми? Олиш мумкин бўлса унинг тартиби қандай?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра ўз вақтида олинмаган нафақани олиш мумкин. Бунинг учун ўз вақтида олинмаган нафақани берилишини сўраб касаба союз органига меҳнат қобилияти тикланган ёки бола туғилгандан бошлаб кечи билан олти ойгача мурожаат қилиш мумкин. Лекин меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик юзасидан бериладиган нафақа ўтган вақт учун кўпи билан 12 ой бадалига тўланади.

Касаба союз органининг ташаббуси билан нафақани тайинлаш ва тўлаш қанчалик тўғри бўлганлигини текшириш натижасида ўтган вақт учун (тўла ёки қисман) нафақа тўланганда ҳам ана шу муддатга риоя қилинади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

МУРЧ КИМГА ЗИЁН?

Мурч зиравор сифатида ҳар куни таомда ишлатилади. Лекин мурчдан фойдаланганда уни суиистеъмол қилмаслик керак. Ёш болалар, ҳомиладор аёллар, меъда-ичак яраси бор кишилар, кўтир, эшакемига чалинганлар ҳамда бавосил касали бор кишилар мурч емасликлари керак.

САРИМСОҚ ПИЁЗ ЕГАНДА

Саримсоқ пиёзни кўп емаслик керак. У зиён қилиши, қон босимини кўтариб юбориши мумкин. Буйрак яллиғланишида саримсоқ ейиш зиён қилади.

Саримсоқнинг ҳиди ўткир бўлгани учун уни кўпчилик кам истеъмол қилади. Оғиздан унинг ҳидини кетказиш осон. Саримсоқнинг балбўй ҳидини кетказиш учун петрушка илдизини чайнаш кифоя.

ҚАЛАМПИР ФОЙДАЛИМИ?

Қалампир қуюқ-суюқ овқатларни тотимли қилиш билан бирга шамоллаганда, бел оғриганда, соч тўкилганда ва бошқа бир қанча шифобахш томонлари билан қадрлидир. Бироқ уни кўп истеъмол қилиш организмнинг чидамлилигини камайтиради, ошқозон-ичак фаолиятини бузади.

Билмасдан аччиқ қалампир еб қўйганда, нимранг марганцовка эритмаси билан оғизни чайиб ташлаш керак, шунда оғизнинг ловиллаши босилади.

• Капитализм иллатлари

БЕМОРЛАР ШЎРИ

Ҳозирда капиталистик мамлакатларда пул, мол-дунё жиннисига учраган саноат корчалонлари лойдан ҳолва ясаб, сувни бўза деб сотишдан тоймайдилар. Бу борада дори-дармон ишлаб чиқарувчи фармацевтик фирмаларнинг ошиғи доимо олчи. Чунки касаллик исканжасида бўлган бемор бор бисотини гаровга қўйиб, сотса ҳам ўз дардига малҳам излайди. Сир эмас, капиталистик мамлакатларда бетоб бўлиш ишдан ажралиш билан баробар. Беморнинг танглиги, оғир ҳолатидан беармон фойдаланувчи дори ишлаб чиқарувчи фирма боёнлари «ётиб қолгунча, отиб қол» қабилида иш тутишга ошиқадилар.

Американинг «Пфайзер», «Апджон», «Сайанэмид» каби фармацевтика фирмаларининг нафси шунчалик ҳакалак отиб кетган эдики, уларнинг нафсини бўғадиган бирор омил ёки маъмурий чора топилмайди, уларнинг фаолиятини маданий ўғрилар салтанати деса бўлади.

«Апджон» фирмаси ишлаб чиқарадиган битта хап дорили тетрациклин баҳоси 9,3 центга тўғри келадиган бўлса, уни дорихоналарга 31 центдан, дорихона эгалари ўз навбатида беморларга 51 центдан пуллайди. Халқнинг норозилиги асосида уюштирилган олти йиллик тафтишдан сўнг, юқорида зикр этилган компанияларнинг сири «фош» этилди. Компаниялар ҳукуматга 50 минг доллар жарима тўлашлари билан бирга, қон-қақшатилган беморларга 120 миллион доллар қайтариб беришга кўндилар. Компанияларнинг корчалонлари анойилардан эмас, юқорида кўрсатиб ўтилган пул ўз эгаларига қайтарилиб берилмади. Чунки қайси бир ўлиб кетган касал, ёки қўлтиқ таёқли бемор қайтим пулини олсин: ўн уч йил давомида харид қилинган дори паттасини сақлаб юради.

Британиянинг патент бюросининг берган маълумотларига қараганда, транквилизатор ҳисобланувчи дори — либриумнинг 1000 донасининг таннархи 1,7 доллар бўлса, дорихоналарда 10 доллардан сотилади.

Дори билан боғлиқ бўлган ҳангома Франциядан ҳам чиқиб қолди. Ж. П. Лационинг «Эдисьон сосиал» нашриётида босилган «Дори-дармон ва мафия» китобида дори ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ғализ ниятлари ва номатлуб ҳаттиҳаракати, кирдикорлари очиб ташланди.

Маълум бўлишича, дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар ўзларининг филиаллари ва шахобчалари билан тил бириктириб, дори хом-ашёларини атайин бир-бирларига ўтказадилар. Бундан ҳар бир компания дори устига устама қўйиб, баҳосини ошириб боради ва пиравардида катта нархдаги дори беморнинг бор-йўғини қақшатиб олади. Бундан ташқари, Францияда чиқадиган дорилар Швейцария Лихтенштейн ёки Монако давлатларига сунъий равишда ўтказилиб, юқори баҳо қўйилгач, яна Франциянинг ўзида сотила бошланади.

Жуда қабиҳ жиноятлардан яна бири — АҚШ фирмалари чиқарган доривор препаратларнинг яроқсизлиги ёки зарарлиги аниқланиб қолгудай бўлса, ундай препаратлар баъзи Лотин Америкаси мамлакатларига ўтказиб юборишга ҳаракат қилинади.

Даромад кетидан от қўйувчи дори-дармон ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг қироллари янги дори-дармон устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ўрнига ҳозирда кенг кўламда ишлатилаётган препаратларни ҳар хил янги қиёфага солиб, янги ном билан сотишни афзал кўрадилар. Аниқ маълумотларга қараганда, Францияда янги дори-дармонлар устида илмий ишлар олиб боришга доридан келадиган фойданинг 8 процентини сарф қилсалар, эски дори-дармонларни кошона бериб реклама қилишга 15 процент маблағ сарф қилинади.

Ҳа, капиталистик мамлакатларнинг дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялари кўҳна Шарқ мақолларидан бўлган «Алдагани бола яхши»нинг ўрнига, алдагани бемор яхши деб ўйласалар керак.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

• Об-ҳаёт мўъжизалари

КЎЛ ЮЗИДА ЮГУРИШ МУМКИНМИ?

Бу сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлсангиз керак. Ҳа, сув юзида чопиб юриш мумкин экан. Гапимизнинг чинлигига ишонч ҳосил қилиш учун ёз кезлари ҳовуз ва кўлнинг юзасига разм солинг. Сув юзасида қанчадан-қанча тирик, тезкор ҳашаротлар юриши у ёқда турсин, ҳатто чопаётганини кўрасиз. Агар ана шу ҳашарот оёғи остидаги сув юзасининг майдони ниҳоятда кичик эканлигини ҳисобга олсак, улар вазнининг кичиклигига қарамай, сув сатҳи анчамунча босимга чидамли эканини англаш қийин эмас.

СУВ ҚАНДАЙ ШАКЛДА?

Бу ҳам ғалати савол, лекин ўз йўлига ўринли савол. Зеро, ҳар қандай суюқлик сингари сувнинг ҳам ўз шакл-шамойили бор. Сувнинг шакли шарсимондир. Сув одатда идиш шаклини олади. Шунинг учун сув ўзининг мутлақо шаклига эга эмас, деган фикр буткул нотўғри. Унинг ўз шакли Ерда, одатда, ер тортиш кучи таъсирида бузилган ҳолатда бўлади.

Сувнинг шар шаклида эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас —космик кемада коинотга парвоз этиб, шишадан сув тўкилса бас. Буни ерда ҳам кўриш мумкин: тушаётган томчига назар солинг ёки совун кўпигини пуфланг. Бундай ҳолларда оғирлик таъсири истисно бўлиб, сув ҳар қандай бошқа суюқлик сингари ўз шаклини олади.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Янги ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Билим юртига 15—18 ёшдаги 8—10 синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Билим юртини тамом қилганлар ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати 1—2 йил бўлиб, 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига киради.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъмин қилинади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

1. Билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўча, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбусларнинг «Волгоград кўчаси» 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларда метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси» бекатлари). Телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1982—1983 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Контроль-ўлчов асбобларн ва автоматларни ремонт қилиш бўйича слесарь, қозон асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, турбина асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, қозон қурилмаларини монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, ғишт терувчи.

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса моддий рағбатлантириш билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

10-синф маълумотидаги, чунончи, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар бир йиллик муддат билан қуйидаги ихтисосликларга ўқишга қабул қилинадилар: қозон асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, турбина асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр монтажчи қозон ускуналари монтажи бўйича слесарь-монтажчи, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, ғишт терувчи.

Совет Армияси сафларидан хизмат қилиб қайтган ва 18 ёшга тўлган ёшлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича 6 ойлик ўқишга қабул қилинадилар: **турбо-агрегатлар бўйича машинист ёрдамчиси қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси қозон ускуналари монтажи бўйича слесарь-монтажчи, электр пайвандчи. Стипендия — 76 сўм.**

МАШҒУЛОТЛАР — ИЮНЬ, ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар «Средазэнергомонтаж» трестига ишга юборилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш — ишбай-мукофотли. Қўшимча равишда тариф ставкасининг 55—60 процентн миқдорида минтақа коэффициенти тўланади.

Елғизлар ётоқхона билан, оилалилар навбати билан турар жой билан таъминланадилар.

Билим юрти яхши жиҳозланган кабинетлар, устахоналарга эга, унинг қошида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт: директор номига ариза: маълумоти ҳақидаги ҳужжат; медицина (286-форма), яшаш жойидан справкалар 3 та фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, армияга чақирилиш ҳақидаги ҳужжат ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (115, 152-автобусларнинг «ТашГРЭС» посёлкаси бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51 қўшимча — 6-12, 3-18.

ЯНГИ УЙ ОЛГАНЛАР УЧУН

АГАР СИЗ ЯНГИ УЙГА КЎЧАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ, АЛБАТТА ГИЛАМ СОТИБ ОЛИШНИ УНУТМАНГ!

ФРУНЗЕ

САВДО МАРКАЗИДА



26—29 МАЙ КУНЛАРИ

ХИВА ГИЛАМ КОМБИНАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ГИЛАМЛАРНИНГ

САВДО - КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасидан Сиз ҳар хил рангли ва гулли: катталиги 1,5х2,20 м. — Баҳоси — 405 сўм; 1;5х2.25 м. — Баҳоси — 433 сўм. 2,0х3,0 м.—Баҳоси 770 ва 810 сўм бўлган гиламларни сотиб олишингиз мумкин.

Фрунзе савдо марказига 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 13, 14, 15, 16-троллейбуслар; 2, 3, 54, 57, 77, 80-автобуслар билан бориш мумкин. «Театральная майдони» бекати).

Фрунзе савдо маркази. Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/V да Келинлар қўзголони, 27/V да Гурунг, 28/V да Келинлар қўзголони, (15.00). Гурунг (19.30).

КИНО

26 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИЗИЛ ЭШЕЛОН» — С. Раҳимов номли.

«СИЗНИ НЕПТУН КУТЯПТИ» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ БАҚТИ КЕЛДИ» — Тинчлик (16.30, 21.00), телефон 53-86-07).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-11-75).

27 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ:

«ҚИЗИЛ ЭШЕЛОН» — С. Раҳимов номли.

«СИЗНИ НЕПТУН КУТЯПТИ» — Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВИШ БАҚТИ КЕЛДИ» — Тинчлик (12.30, 15.30, 18.30 21.00, телефон 53-86-07).

«МАНА ШУНДАЙ МУЗИКА» — Искра» (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76).

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ

трамвай ҳайдовчиларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ҲАР ОЙДА 70 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Трамвай ҳайдовчилари 50 процент ҳақини тўлаб (3 ой ичида) иш кийимини оладилар.

Ўқувчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Депо қошида ёшлар учун ётоқхона, болалар боғчаси, ясли, дам олиш зонаси мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Гайдар кўчаси, 50-уй (1-трамвайнинг «Депо» бекати).

САЁҲАТГА МАРҲАМАТ!

Яхши ҳордиқ чиқариш ва янги манзилларни кўриш, ажойиб-гаройиб кишилар билан танишиш ҳамда табиат қўйнида бўлишлик бизни ўз меҳнат отпускамизни қандай ўтказиш ҳақида ўйлатиб қўяди.

САЁҲАТГА ПЎЛ ОЛАВЕРИНГ!

САМОЛЁТДАМИ? ПОЕЗДДАМИ? АВТОБУСДАМИ?..:

Агарда мотоциклда сафарга чиқсангизчи? Мотоцикл юксак маневрланаоладиган ва тежамли машинадир. У Сизни жонажон ўлкамизнинг энг олис бурчакларидаги кўриқхоналаргача элтиб қўяди. Мотоцикль унинг эгасига фақат отпуска давридагина эмас, балки кундалик-юмушларда, дам олиш кунлари шаҳар ташқарисига сайрга чиққанда ҳам аъло даражада хизмат қиладн.

Мотоҳаваскорлар юксак техник характеристикасига эга, бошқариш ва хизмат кўрсатишнинг оддийлиги билан ажралиб турувчи «Восход—3» мотоцикли билан яхши танишлар.

Ўзгарувчан ток генераторидан ишловчи контактсиз электрон ўт олдириш системаси двигателни осон юргизиш ва унинг ҳамма иш режимларида бенуқсон учқун ҳосил бўлишини таъмин этади. Мотоцикль самарали тормоз системаси ва пружина-гидравлик амортизаторлар билан жиҳозланган. Машинанинг пухта ишлашлиги ҳар қандай йўлларда ҳаракат қилганда хавфсизлигини таъминлайди.

«ВОСТОК—3» мотоциклига икки тактли, бир цилиндрли, карбюратор двигатели ўрнатилган.

Ўртача тезлиги — соатига 140 км, ёқилғи сарфи 100 км. га — 4,4 литр;

оғирлиги — 125 кг.;

баҳоси — 540 сўм.

«ММВЗ—3. 115» маркали мотоцикль энг енгил модель ҳисобланади. У ўзининг техник жиҳатлари ва ташқи кўриниши билан «ВОСХОД»дан қолишмайди.

ҚИСҚАЧА ТЕХНИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

оғирлиги — 103,5 кг;

ўртача юк кўтариш — 150 кг.;

тезлиги — 95 км.-соат;

ёқилғи сарфи — 10 км. га — 4,0 — 4,5 литр;

ўртача қуввати — 11 от кучи;

ўт олдириш системаси — электронли;

баҳоси — 426 сўм.

МАНА ЭНДИ, МОТОЦИКЛДА ОТПУСКАГА МАРҲАМАТ!

Сафарга отланар экансиз, унинг яхши ва кўнгилли ўтиши кўп жиҳатдан туристик анжомларни танлашга боғлиқ эканини эсдан чиқарманг. Сафар ва яхши ҳордиқ чиқариш учун қуйидагиларнинг барчаси зарур: ухлаш қоплари, рюкзаклар, 2, 4, 6 ва 10 ўринли палаткалар, ҳаво тўлдириладиган тўшак-матраслар, спорт буюмларини Сиз

1 — «ДИНАМО» МАГАЗИНИДАН (У. Юсупов кўчаси; 2-уй) ХАРИД ЭТИШИНГИЗ МУМКИН.

Шу ернинг ўзидан Сиз «ВОСХОД—3»; «ММВЗ—3. 115»; «МИНСК—115» мотоцикларини ҳам сотиб олиш имкониятига эгасиз;

мопедлар: «Верховина—6»; «Верховина—6 спорт»; «Рига—11»; «Рига—16»;

велосипедлар: «Пермь», «Кама», «Десна».

Сиз магазинга: 7, 8, 10, 11, 15, 16, 23, 27-трамвайлар; 1, 4, 8, 10-троллейбуслар, 28, 48, 64, 65-автобуслар билан боришингиз мумкин («Ўрда» бекати).

1-«Динамо» магазини.

Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИ ВА СОТУВЧИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ИККИ ЙЎНАЛИШДА ТАЙЁРЛАЙДИ:

боққоллик-кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари оўйича.

шунингдек, газлама, тикув буюмлари, пойафзал, трикотаж, галантерея, парфюмерия, маданий-маиший ва хўжалик моллари сотувчи контролёр-кассирларни тайёрлайди.

ЎҚИШ —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ДАРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН 15 ДАН 20 ЕШГАЧА (ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар —23 ёшгача) БЎЛГАН 8, 9, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: Гум, «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли нирик магазинларда ва «УНИВЕРСАМ»ларда ўтказилади.

Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда алмашади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогик советнинг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчиларнинг 10 процентн).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабнинг 9, 10, 11-синфлари ишлайди.

Ўқиш кундузги соатларда ўтказилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, гаржмаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари Совети область ижроия комитети Савдо бошкармасидан ёки халқ депутатлари Совети шаҳар ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви,—Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота», 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон 48-44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

токарь универсал «токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторн), саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь-механик-йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи, электрон-ҳисоблаш машиналари ремонти ва хизмати бўйича электромеханиклар.

Ҳамма ихтисосликлар бўйича ўқиш муддати 1 ва 3 йил.

Қабул қилинганлар уч маҳал овқат ва кийим билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қушнб ҳисобланади.

Билим юртининг 3 йиллик курсини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва 2 хил мутахассислик бўйича диплом берилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

10-синф ҳажмидаги билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқиш муддати 6 ой ва 1 йил.

Билим юртини битирган ўрта маълумотларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврндаги меҳнат ҳақининг 83 процентн берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокаль чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари донмо ишлайди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўтишлари ва билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учет карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 113, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Галаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

26 МАЙ — ЧОРШАНБА.

Марказий телевиденнеининг «Восток» программаси

18.15 «Фан шаҳри». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кневнинг 1500 йиллигига. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 М. Равель. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 19.55 Венгрия социалистик ишчи-партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар туғилган кунининг 70 йиллигига. Ҳужжатли фильм. 20.15 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 3-фильм. «Нон ва одамлар». 21.30 «Время». 22.05 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Э. Бистрицкая. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 М. И. Глинка романсларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Лисовский ижро этади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

I

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Пионер дружиналари Бутунитифоқ маршида». 18.05 Ўзбекистон ўқитувчилари VI съездининг делегатлари ва меҳмонлари учун бадиий ҳаваскорлар ижросида концерт. 19.30 «Аҳборот» (рус). 19.45 «Мулоҳазалар». СССР халқ артисти, кинорежиссёр М. Қаюмов ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. 20.15 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 20.30 «Аҳборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап!». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Уч қитъа экрани». Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали. 23.20 Янгиликлар.

II

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Сахродаги воқалар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.15 «Она шаҳрим — Тошкентим». 18.45 Чегарачилар кунига. «Қизил қоя» заставаси яқинида». Бадиий фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Спортдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.20 «Мангу тўрлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).

21.30 МТ II

27 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнеининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.25 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 3-фильм. «Нон ва одамлар». 11.40 «Халқ оҳанглари». 11.55 Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Альметьевск» (Қозон). «Рус тили дарси» (Вильнюс). 16.00 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 17.05 «Оталар ерида». «СССР халқ ўқитувчилари» туркумидан Воронеж, область қишлоқ мактабининг директори А. М. Иванов ҳақида телевизион очерк. СССР Маориф министри М. А. Прокофьевнинг кириш сўзи билан бошланади. 18.05 Шахмат мактаби. Бошлоқчилар учун. 18.35 «Миллионлар ленинча университети». 19.05 «Мартишкага салом». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.15 «Нон таъми». Кўп серияли бадиий фильм. 4-фильм. «Ватан нонн». 21.30 «Время». 22.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР кубоги. Ленинградда олиб кўрсатилади. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Ажойиботлар ери». Қозогистон табиати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Деярли рўйи-рост воқеа». Мультфильм. 18.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ватаним менинг тақдиримда». Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Бухоро тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Б. Истамова ҳақида телеочерк. 19.00 «Суратга олиш майдонидан репортаж». Кинорежиссёр К. Ерматов ҳақида ҳужжатли фильм. 19.20 СССР прокуратурасининг 60 йиллигига. Республика прокурори Н. Б. Бўрихўжаев сўзи (рус.). 19.30 «Аҳборот» (рус.). 19.45 «Ватаним бўёқлари». Рассом Рўзи Чориев. 20.20 «Пилла — бойлигимиз». 20.30 «Аҳборот». 20.50 «Рақс гулшанида». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Эргашева рақсга тушади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эстония телевиденнесининг программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Чилонзор район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 173-мактаб коллективи шу мактабнинг илмий мудири Н. А. Илҳомовага қизи

Нозима УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда терапевтик-стоматология кафедраси коллективи шу кафедранинг ассистенти, медицина фанлари кандидати И. Г. Янёсова онаси

Машҳуда МИРЗАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-63; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; аҳборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг назоратчилари —33-90-50.

26 МАЙ, 1982 й. Р—07240. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691 1 7